



«Шарғункўмир» АЖ  
Бош директори  
М.А.Азизкулов

**“Шарғункўмир” АЖда жорий йилнинг 1-ярим йиллиги давомида  
коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар  
юзасидан**

**ХИСОБОТ**

1. “Шарғункўмир” АЖда коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури асосида ички ишлар ходимлари иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилди, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотларни жамиятнинг барча ходимлари томонидан декларацияланди, товар моддий бойликларни сотиб олиш жараёнида “Инсон омили”ни чеклаш ва коррупцияни олдини олиш мақсадида “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талабларига мувофиқ амалга оширилиши доимий назорат қилиб келинмоқда. Контрагентлар очик манбалар асосида ўрганилиб келинмоқда. Ишга қабул қилинаётган ходимлар Камбағалликни қисқартириш ва бандликга кўмаклашиш маркази ҳамда ички ишлар органлари томонидан сўровнома асосида ўрганилиб келинмоқда. 2024 йил 29 март санаси билан №109-сонли буйруқ асосида жамият ишчи ходимлари ҳамда раҳбар ходимлари мукофотланиши аудитдан ўтказилди. 2024 йил 9 апрель санаси билан рўйхатга олинган №115 сонли буйруқ асосида жамият бошқарув аппарати бўлимлари хужжатлари ва ходимлар билим даражалари аудитдан ўтказилди.
2. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида 2024 йил 22 январь санасида №44-сонли буйруқ асосида
  - “Шарғункўмир” АЖда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган чора тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш ҳамда уни олдини олиш ва чек қўйиш бўйича устивор йўналишларини белгилаш мақсадида, тегишли ишчи комиссия таркиби шакллантирилди
  - Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати
  - Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти
  - Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом
  - Алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти
  - Жамият ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитишни ташкил қилиш бўйича Йўриқнома

- Контрагентларни текширишга оид Йўриқнома
  - Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома
  - Коррупцияга қарши тартиб-тамоилларининг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти
  - Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом
  - Жамиятнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиш бўйича Регламенти
  - Жамиятнинг одоб-ахлоқ Кодекси
  - Жамиятнинг одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низом
  - Жамиятнинг одоб-ахлоқ комиссияси таркиби
  - Жамиятнинг совға бериш ва олиш, бизнес тадбирларни ташкил этиш ва иштирок этиш Сиёсати
  - Жамиятнинг хайрия ва хомийлик фаолиятини амалга ошириш Сиёсати
  - Жамиятда тузилаётган шартномаларни келишиш, имзолаш ва ижро этиш Сиёсати қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжатлар телеграмм каналда ишчи ходимларимизга тақдим этилиб шу билан бирга ҳар бир участка бошлиқлари ушбу қабул қилинган ҳужжатлар борасида ходимларга тушунтириш ишларини олиб боришди.
3. Жамият коррупцион хавф-хатарлар харитаси тузилган бўлиб унда юқори даражадаги хавфларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб унинг натижасида коррупцион хавф-хатар даражаси юқори бўлган бўлим ҳамда бўлим ходимлари дастурда белгиланган чоралар асосида билим даражалари ҳамда фаолиятлари доимий равишда мониторинг қилиниб тадбир самарадорлиги ижобий натижа бермоқда.
  4. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича жамият барча ишчи-ходимларидан манфаатлар тўқнашуви мавжуд/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги (Декларация) аризалар тўлдиртирилди ҳамда жамият одоб-ахлоқ комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим этилди.
  5. Жамиятнинг меҳнат шартномаларига ҳамда олди сотди шартномаларига коррупцияга қарши бандлари кўшилган.
  6. Жамиятдаги барча харидлар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари” тўғрисидаги 684-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги ПҚ-5171-сонли “Давлат харидлари шаффофлиги таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда. Контрагентлар доимий тарзда очик манбалар орқали текширилиб келинмоқда.

Контрагентларни текшириш жараёнида салбий ва қонунга зид бўлган ҳолатлар аниқланмаган.

7. Жорий йилнинг 29 март санаси билан рўйхатга олинган №109-сонли буйруқ асосида “Шарғункўмир”АЖ ишчи-ҳодимлари ҳамда раҳбар ҳодимларини мукофотланиши ички аудитдан ўтказилиб барча берилган мукофот пуллари жамият ишчи-ҳодимлари ва раҳбар ҳодимларини мукофотланишини тартибга солувчи 2022 йил 1-май санаси билан рўйхатга олинган Низомга мувофиқ тўлаб берилганлиги ва ҳеч бир коррупцион омил аниқланмаган. 2024 йил 9-апрел санаси билан рўйхатга олинган №115-сонли буйруқ асосида “Шарғункўмир”АЖ бошқарув аппаратининг бўлимлари ички аудитдан ўтказилди. Унда бўлим ҳодимлари коррупцияга қарши курашиш бўйича билим даражалари қониқарли эканлиги, барча бўлим ҳодимлари лавозим йўриқномалари билан танишганлиги, бўлим буйруқларининг мавжудлиги, йиллик иш режалари тасдиқланганлиги аммо 9 та бўлимда бўлим Низоми мавжуд эмаслиги аниқланди. Аниқланган камчиликни бартараф этиш яъни бўлим Низомларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун бир ой муддат берилди. Биринчи ярим йилликда ҳодимларга қимматбаҳо совға берилмаган.
8. Ҳисобот даврида жамият алоқа каналлари орқали коррупцион омиллар бўйича ҳеч бир маълумот келиб тушмаган.
9. Жамиятда коррупцион омил бўйича биринчи ярим йилликда қоидабузарлик аниқланмаган.
10. Жамиятнинг ишчи ҳодимлари ва раҳбар ҳодимларни ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда коррупцияни олдини олиш мақсадида Сариосиё туман ишчи ишлар ҳодимлари иштирокида тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этилди.